Ошоба фожиаси Туркистондаги чор боскини манзараларидан бир лавха холос. Шунга карамай, у бизга кўп нарсаларни ойдинлаштириб беради. Рус кўшини осонлик билан юртимизни кўлга киритган эмас. Ўлкани тўла бўйсундириш учун бу вахший тўда дарё-дарё инсон конини окизган. Минг-минглаб кўхна иморатлар вайрон килинган, юзлаб кишлоклар, катта-катта шахарлар ёндирилиб, кули кўкка совурилган. Мард ватандошларимиз, номуси, ори мустахкам аждодларимиз ёвга осонликча бўйсунмаганлар. Улар она юрт учун, хар бир карич мукаддас тупрок учун жон олиб, жон бериб, мардона курашганлар. Ошобаликлар жасорати ана шу тенгсиз жангларнинг кичик, аммо ибратли намунасидир. Мен бу эрксевар, жасур кишлок ахлининг сўнгги нафасга кадар ёв билан юзма-юз олишгани, хатто аёллар хам тиз чўкишдан, кул бўлишдан ор килгани, ўз шаъни-шавкатини юксак тутганини ўкиб, койил колдим. Айни замонда бу кишлок фожиаси рус зобитларининг чинакам башарасини хам очиб беради. Уларнинг юртимизга осойишталик, эркинлик, тенглик, маданият олиб келганмиз деган даъволари пуч гап, курук, хавойи алдамчилик эканини фош этади.

Тарих ва такдир

Ошкоралик туфайли рус чоризмининг ўлкамизга килган тажовузига доир турли хужжатлар ва манбалар юзага чика бошлади. Уларни ўкир эканмиз, бу кўнгилсиз ходисанинг кўлами ва мохиятини теранрок хис этамиз. Тарихнинг шу пайтгача яшириб келинган сахифалари бизга дахшатли манзараларни, мислсиз ёвузлик ва адолатсизликларни сўзлаб беради.

Очигини айтганда, Туркистондаги йирик шахарлар кай тарзда босиб олингани илгари хам айрим тарихчи олимларнинг асарларида бир кадар ёритилган эди. Тошкент шахри кандай забт этилгани, Чимкент неча марта кўлдан-кўлга ўтгани, Алимкул сардорнинг фидойилик билан кураш олиб боргани ва кахрамонларча халок бўлганига доир маълумотлар тарихнавис Хамид Зиёевнинг “Тошкентнинг Россияга кўшиб олиниши” (1967) номли рисоласида анча батафсил баён килинган. Кейинги йилларда шоир Хуршид Даврон ва тарихчи олимлар – Хайдарбек Бобобеков, Хамдам Содиковнинг самарали изланишлари натижасида анча-мунча масалалар ойдинлашди. Хозир хорижда босилган айрим тадкикотлар (Боймирза Хайит, Махмет Сарой асарлари) нашрга тайёрланмокда.

Рус боскини манзараларини тасаввур этишимиз учун чор зобитлари ва амалдорлари томонидан ёзилган турли асарлар, маколалар ва хотиралар хам бизга катта ёрдам беради. Мен ўтган йилларда Москвадаги Давлат кутубхонасида бир муддат ишлаб, айрим манбалар билан танишган эдим. Машъум боскин кандай маккорлик билан тайёрлангани ва амалга оширилгани, унга кимлар бевосита рахбарлик килгани, жанг тафсилотлари хакида И.А. Терентьев, А.Серебренников, А.Маслов, Н.Гродеков, Н.Куропаткин (булар нихоятда кўп, мукаммал рўйхат бир неча бетга чўзилади) сингари зобитларнинг асарларидан кўп маълумотлар олиш мумкин. Кизиги шундаки, хатто

боскинчи рус зобитлари биздаги айрим тарихни сохталаштириб кун кўрган олимлардан кўра ростгўйрок, хакгўйрок бўлган. Улар ўзи кўрган ёки бевосита иштирок этган дахшатли вокеаларни яширмасдан, окизмай-томизмай ёзиб кетишган экан. Бугунги кунда уларни ўкиб, тарихнинг кўп номаълум сиру асрорлари билан танишамиз.

Мана, кўлимда “Военний сборник” ойномасининг саргайган сахифалари. Унинг 1987–1901 йиллардаги турли сонларида зобит А.Серебренниковнинг “Кўкон юриши тарихига доир” сарлавхали йирик маколалар туркуми чоп этилган (жами беш макола). У рус харбий кароргохи хужжатлари асосида ёзилгани учун катта кимматга молик. Муаллиф 1875 йилда Кўкон хонлиги худудида рўй берган сиёсий вокеаларни, харбий харакатлар солномасини деярли холислик билан кайд этишга харакат килган, барча тафсилотларни имкони борича камраб олишга интилган.

Мен Москванинг рутубатли кунларида бу маколалар туркумини ўкиганимдан кейин бир неча кунгача ўзимга келолмай юрдим. Алам ва ўкинч, надомат ва изтироб вужудимни тилкалаб ташлади. Назаримда, шу кунларда шивалаб дамба-дам ёгаётган ёмгир менга кўшилиб йиглаб, кўнглини бўшатаётгандек нохуш таассурот пайдо бўлган эди. Кўз ўнгимда Туркистоннинг биринчи харбий генерал-губернатори фон Кауфман, генерал М.Д.Скобелев, Колпаковский, Троцкий каби дахшатли генераллар, полковник барон Меллер-Закомелский, полковник Пичугин ва бошка зобитларнинг кўз кўриб, кулок эшитмаган килмишлари, ёвуз хатти-харакатлари жонланди. Огир саволлар каршисида ожиз колдим. “Нега бу дахшатли вокеалар доим сир тутиб келинди, нега тарих китобларида бу конли манзараларни четлаб ўтиб, рус истилосининг нукул “прогрессив ахамияти”ни зўрма-зўраки ёритишга бехуда куч сарфладик? Ўтмишимизни яшириб, халкимизни узок йиллар алдаб, кўзини кўр, кулогини кар килиб нимага эришдик?!”

Мазкур катта макола вакти-соати келиб тўла таржима этилади ва кенг жамоатчилик хукмига етказилади. Шунинг учун хозир унда баён килинган кичкина тог кишлоги – Ошобада рўй берган конли бир тўкнашув хакида тўхталишга жазм этдим.

Боскинчи рус кўшини Кўкон хонлиги худудига гўё тартиб-интизом ўрнатиш, хокимият осойишталигини бузган кўзголончиларни жазолаш никоби остида киритилади. Бунда Худоёрхон, валиахд Насриддин ва бошка амалдорларнинг хам машъум хизмати бор, албатта. Ёвуз кора кўшиннинг босган кадамларини кузатсак, у аслида тинч ахолини беомон кириб, зўравонлик, таловчилик, вахшийлик билан шугулланганини кўрамиз. Жазо харакатларига рус салтанатининг эркатойига айланган генерал Скобелев рахбарлик килади. Унинг хамда генерал фон Кауфманнинг бевосита топширигига мувофик полковник Пичугин етакчилигида 3-Туркистон ўкчи батальонига карашли бир неча рота хамда Сибир казаклари бўлинмаси 16 ноябр тонгида Окжар кечувидан ўтиб, Наманганнинг гарбидаги тог кишлоклари устига юриш бошлайди. Вазифа кўзголончиларга мадад берган ва уларни яширган ахолини аёвсиз жазолашдан иборат эди.

Тог кишлоклари орасида катта йўллар йўклиги учун замбараклар олинмайди. Кўшин Камишкўргонда тунни ўтказади. 17 ноябрда эса уларни Шайдон кишлоги ахолиси омонлик билан каршилайди. Полковник Пичугин ноиб Мирза Абдулланинг чакувига мувофик азалдан русларга нисбатан адоват билан караган икки оксоколни халк ўртасида жазолайди ва отряд учун зарур озик-овкат хамда ем-хашак хозирлашни буюради.

Шайдондан юкорида – тог орасида жойлашган Бободархон кишлогида отлик кўзголончилар (рус зобити ўз юртининг озодлиги ва мустакиллиги учун курашган

фидойиларни хамма ерда “шайка” деб атайди – О.А.) борлиги аникланади. Пангоз кишлогида уларга дуч келадилар, учта милтик ўлжа олинади.

Бободархон кишлогида истикомат килувчи ахолининг хаммаси рус кўшини истикболига бўйин эгиб чикадилар ва полковник Пичугин талаб этган барча нарсаларни (озик-овкат, от, хатто наматгача – боскинчилар ерга ўтирганда тагидан зах ўтиб кетмасин деган бўлсалар керак. Мехрибончиликни каранг-а!) дархол мухайё киладилар. Шу орада шайдонликлардан чопар келиб, исёнчи Танаберди бошчилигидаги тўдани Шайдон ахолиси кишлокка киритмагани, улар Ошоба тарафга кетгани хабарини етказади. Маколада баён этилган вокеаларни айнан келтирганимиз маъкул: “Душман бизнинг кучли отрядларимиз билан юзма-юз олишишдан кочиб, якка-ёлгиз ёки кичик-кичик гурухларга кўккисдан хужум килиб коларди. Унинг бу одатини яхши билган полковник Пичугин Танаберди шайкаси билан тўкнашиш учун тугилган кулай имкониятни бой бергиси келмади. У 17 ноябрда тог йўллари оша Ошобага караб йўлга чикди.

Пиёдалар яёв юришди, йигирма бешта аравакаш отга ўн кишилик козонлар ва беш кунга етадиган озик-овкат, ўк-дори ортилган эди.

Тог йўли чукур жарликлар оралаб ўтар, гох пастликка тушиб, гох ўр тортиб узок юришга тўгри келарди. Бунинг устига тун коронгилиги ахволни янада кийинлаштирган эди. 20 чакиримдан ортик йўл босган отряд тонгги соат еттиларда тинч уйку огушида ётган кишлокка етиб борди.

Отряд билан ёнма-ён тор сўкмок йўлдан келаётган полковник Пичугин йўлга пистирма кўйилганини сезмай колди. Аммо баландликка, кишлок томонга от кўйиб кетаётган бир неча душман кўрикчисига кўзи тушди.

Уларни тутиш учун 5-Сибир бўлинмаси суворийлари изма-из юборилди. Мазкур бўлинма кишлокка якинлашганда, уларга караб кишлокдаги деярли хар бир кўра, хар бир уйнинг томидан ўк ёгилди. Ўнг томондаги тепаликда отлик шайка пайдо бўлди.

Казаклар дарров отдан тушдилар, отишма бошланди.

Душманнинг муттасил ўк ёгдириши ва нишонга аник уришига караганда ахоли милтиклар билан яхши куролланган ва мудофага пухта тайёргарлик кўрган эди.

Пиёдалар олис йўлдан толикиб келишганига карамай, тепаликкача югуриб бориб ётиб олдилар ва дўнглар орасига яширириб, душманни таъкиб этишга киришдилар. Отишма нихоятда кучли бўлди. Бизнинг ўкчиларимиз катори казаклар хам тинмай ўк узишарди.

Нихоят, кишлокдан отилаётган ўклар сийраклашди ва ўнг канотдаги душман ўкчилари оркага караб чопиб кетаётгани кўринди.

Пиёдалар хужумга ўтишди: штабс-капитан Бертенев рахбарлигидаги учта взвод кишлокнинг ўнг томонига, 1-рота капитани Русанов ихтиёридаги взвод эса чап канотга ташланди. Уларнинг хар иккиси хам кучли каршиликка дуч келишди. Ахоли тўсиклар ортидан ва уйлар хамда деворлардаги махсус туйнуклардан тинмай ўк отарди.

Бутун кишлок мустахкам истехкомга айланган бўлса-да, шиддатли хужумга ўтган аскарларни тўхтатиб колишдан ожиз эди.

Шафкатсиз киргин бошланди. Ошобаликларнинг биронтаси хам таслим бўлишни хохламасди, хамма кўлида курол билан халок бўлди. Хатто хотинлар хам кўлига пичок олиб аскарларга ташланар ёки томдан туриб тош билан урар эдилар.

Хар бир ховлини жанг билан ишгол килишга тўгри келди, хар бир бурчакда пистирмага йўликиш мумкин эди.

Нихоят, кишлок эгалланди, дуч келган тирик жон найзадан ўтказилди.

Поручик Журавлев етакчилигидаги 2-ротага карашли взвод тепаликка кўтарилишга

муваффак бўлди ва шу ердан туриб, отлик шайкага карата дўлдек ўк ёгдирди. Шайка жон саклаб колиш умидида бизнинг ўкларимиз остида довонга ўзини урди ва тезда кўздан гойиб бўлди. Майдонда ўнларча ўликлар колиб кетди.

Казаклар батамом холдан тойгани ва тог йўлларининг огирлиги туфайли кочган отлик шайкани кувиб, бирон натижага эришиш кийин эди. Шунинг учун полковник Пичугин таъкибни тўхтатишга карор килди.

Эрталабки соат тўккиз яримда жанг тамом бўлди. Факат хар замонда якка-ёлгиз ўк овозлари эшитиларди: баъзи фидойилар яширириб ётган жойларидан сакраб чикиб, бизникиларга караб ўк отиб коларди ва у шу захотиёк найзага санчиб ўлдириларди. Ногора чалиб, кўшинни бир ерга тўплашди. Полковник Пичугин уларнинг бир бўлагини кишлокни вайрон этиш учун жўнатди. Кўп ўтмай кишлок куюк олов халкаси орасида ловуллаб ёна бошлади. Кўчаларда, бог ва ховлиларда сочилиб ётган ўликлар хам ёниб кетди…

Биз байрок, нишон, 120 милтик, 60 килич, 80 найза ва 200 дан кўпрок батикни ўлжа килиб олдик.

Душман катта талафот кўрди. Биргина Ошоба кишлогининг ўзида 150 дан ортик мурда топилди. 100 га якин жасад боглар, ўралар ичида ва тог ён багирларида чўзилиб ётарди. Бундан ташкари ёкиб юборилган уйлар ичида хам кўп одамлар тириклай ёниб кетди…

Биз хам бирмунча курбон бердик. Икки ўкчи солдат ва бир казак ўлди. 11 киши ярадор бўлди, шулардан тўрттасининг жарохати енгил…

Кейинги куни, яъни 19 ноябрда отряд Ашт кишлогига келди. Ахоли кўшинни бутунлай итоаткорлик билан каршилади. Шу куни кечкурун Окжардаги манзилга кайтилди.

Танаберди, Ботиркул хамда бизга номаълум бўлган шайка бошлиги Рахмат Ошобадаги маглубиятдан кейин Сарвак кишлогига жойлашдилар. Окжар отряди Наманган бўлимининг шимоли-гарбидаги тог кишлокларида ўта муваффакиятли равишда, намунали тарзда харакат килдилар. Ошоба кишлогида исёнчи шайкаларнинг тор-мор этилиши эса атрофдаги ахолига кучли таъсир этиб, уларни ларзага солди. Улар русларга карши курашишнинг окибати кандай тугашини яхши билиб олдилар”.

Шундан кейин маколада фон Кауфман полковник Пичугиннинг “жасурона” хатти-харакатларини маъкуллаб, ёзма миннатдорчилик билдиргани, Русанов, Бертенев, Журавлев, Батурин каби “кахрамонлик кўрсатган” зобитлар ва бир канча аскарлар харбий нишонга такдим этилгани ва бошка вокеалар ёритилади.

Ошоба фожиаси Туркистондаги чор боскини манзараларидан бир лавха холос. Шунга карамай, у бизга кўп нарсаларни ойдинлаштириб беради. Рус кўшини осонлик билан юртимизни кўлга киритган эмас. Ўлкани тўла бўйсундириш учун бу вахший тўда дарё-дарё инсон конини окизган. Минг-минглаб кўхна иморатлар вайрон килинган, юзлаб кишлоклар, катта-катта шахарлар ёндирилиб, кули кўкка совурилган. Мард ватандошларимиз, номуси, ори мустахкам аждодларимиз ёвга осонликча бўйсунмаганлар. Улар она юрт учун, хар бир карич мукаддас тупрок учун жон олиб, жон бериб, мардона курашганлар. Ошобаликлар жасорати ана шу тенгсиз жангларнинг кичик, аммо ибратли намунасидир. Мен бу эрксевар, жасур кишлок ахлининг сўнгги нафасга кадар ёв билан юзма-юз олишгани, хатто аёллар хам тиз чўкишдан, кул бўлишдан ор килгани, ўз шаъни-шавкатини юксак тутганини ўкиб, койил колдим. Айни замонда бу кишлок фожиаси рус зобитларининг чинакам башарасини хам очиб беради. Уларнинг юртимизга осойишталик, эркинлик, тенглик, маданият олиб келганмиз деган

даъволари пуч гап, курук, хавойи алдамчилик эканини фош этади.

Шу ўринда ўлкамиздаги хамма кишлоклар худди ошобаликлар каби ёвга карши бир жон, бир тан бўлиб курашишга журъат этмаганини хам очик айтиш керак. Чор кўшини истикболига бош эгиб, тиз чўкиб чикканлар хам кўп бўлган. Улардан айримларининг номи юкорида тилга олиб ўтилди. Хатто Каттакўргон шахри ахолиси битта хам ўк узмасдан таслим бўлганки, бу хакда рус зобитларининг ўзи гашлик билан сўкиниб ёзганлар. Чунки жанг бўлмагани учун мукофот ва нишон олиш, мансаб пиллапоясидан кўтарилиш имконияти кўлдан кетгани уларга нихоятда алам килган эди. ("Эчкига жон кайгуси, кассобга ёг кайгуси" деган маколни эсланг!).

Ана шундай осон таслим бўлган кишлоклардан бирининг аянчли такдири машхур киргиз ёзувчиси Тўлаган Косимбековнинг "Синган килич" романида (Турсунбой Адашбоев таржимаси, Тошкент, 1980) анча ишончли тасвирланган. Хар жихатдан ибратли бўлгани учун ана шу асарга бир кадар тўхталиб ўтайлик. Умри тугаб, парокандаликка юз тутган хонликдаги ўзаро киргинлар, чорасиз ўзбек ва киргизларнинг аччик кисмати, рус аскарларининг хунрезликлари роман сахифаларида санъаткорона гавдаланиб, калбимиз ва шууримизни ром этади. Муаллиф уйдирмачилик йўлидан бориб, кўпдан-кўп тўкима образларга мурожаат этса-да, барибир, тарихий хакикат мезонларидан чекинмайди. Унда биз камчисидан кон томган, захар, золим Скобелевнинг ёркин чизилган, пухта далилланган сиймосига дуч келамиз. Ёзувчи махорати туфайли багри тош генералнинг ёвуз кирдикорлари тасвирланган сахифалар чинакам реалистик кудрат касб этади ва узок вактларгача калбимизни ларзага солади. Келинг, яхшиси, шу ўринларни биргалашиб ўкиб чикайлик:

"Кор икки кун бўралаб ёгиб, эндигина тинган эди. Гўзал Фаргона водийси ок харир кўйлак кийган келинчакка ўхшайди. Хаво муздек. Отряд оппок корда илондек чуваланиб келарди. (Бўёклар зиддиятини каранг: ок кор ва кора илон. Кишлокларга, тинч ахолига ўлим олиб келаётган боскинчи аскарларнинг рамзий киёфасини муаллиф усталик билан жонлантириб берганига койил колиш керак.– О.А.). Уларни Найман кишлогининг ахолиси кўлларини кўксига кўйиб кутиб олди. Холис ният белгиси сифатида хамма ок белбог боглаб олибди.

Генерал Скобелев Насриддин (Кўкон хони Худоёрхонинг ўгли – О.А.) билан ёнма-ён туриб тўплаган халойикни кўздан кечирди. Аламзада Насриддин зорикиб, "Кир" деган буйрукнигина кутарди. Соколи кўксига тушган оксокол корга тиз чўкаркан, таъзим килиб:

– Рахм килинглар, одамзоднинг фарзандлари,– деди. Тилмоч таржима килди. Генерал мазах килиб кулди. Чол ўша холатда жавоб кутарди.

– А-га!– деди Скобелев.– Нима? Урушиб бўлдингларми?

– Кесатяпти,– деб тилмоч таржима килди.

– Курук ердан ўт чикмайди. Нима килайлик, хаёт такозоси экан. Мана, тиз букиб, кечирим сўраяпмиз. Кишлокда чолу кампир ва ёш болалардан бошка одам колмаган. Эгилган бошни килич кесмайди,– деди оксокол.

– Нима?– деб бакирди Насриддин. У Скобелев тек турганини кўриб шаштидан тушди, тилмоч чолнинг гапини генералга аста тушунтирди.

– Бузукиларни кечириш йўк, кириб ташланглар,– деб буюрди генерал Скобелев.

Бир ёкдан солдатлар, бир ёкдан Насриддиннинг йигитлари халойикни ўртага олди. Одамлар ўзларини хар томонга ура бошлади. Шунда халиги оксокол хамкишлокларини инсофга чакирди.

– Фойдаси йўк. Жон талашманглар.– Барча жим бўлди. Насриддин биринчи бўлиб киличини сугурди. Хаш-паш дегунча кор конга бўялди. Навбат соколи кўксига тушган оксоколга келди.

– Унга тегма,– деди генерал Скобелев.– Мен уни бу ерда тирик колдираман. Энг яхши жазо шу…

Кишлок тўрт томондан куршалиб, хотинларнинг нолиши, гўдакларнинг йигиси хаммаёкни тутди. Зўравонлар кўлларига нима илашса олишди. Кош корайганда уйлар хувиллаб колди, итлар ули тортиб, гингшиб изгишга тушди.

Энг охирида генерал Скобелев кишлокда биронта тирик жон колмаслигини, уйларга, молхоналарга ўт кўйишни буюрди. Кишлокда на ит колди, на ёнгиндан кочиб дарахтга тирмашган мушук колди.

Жазоловчилар отряди ўлжани юклаб, молни хайдаб йўлга тушди. Кишлокдан бурксиган куюнди ва кон хидию бир чеккада оппок соколидан кон аралаш ёш томаётган ёлгиз чол колди”.

Дахшатли тасвир! Ёзувчи вокеаларга аралашиб, шархлаб ўтирмайди. Бечора оксокол чол хам, шафкат кутиб ок белбог боглаб олган одамлар хам, золим Скобелев хам, ундан колишмайдиган югурдак Насриддин хам бир-икки чизги воситасида жонли, аник гавдаланади. Ёзувчининг холис, совуккон нигохида шафкатсизлик бор. У киргин манзараларини синчковлик билан суратлантирар экан, турли деталлар, тафсилотларни ўринли кўллай боради. Парчани ўкир эканмиз, хотинларнинг ноласи, чиркираб йиглаётган гўдаклар фарёдини эшитиб сесканиб кетамиз, ули тортиб гингшиган итлар, ёнгиндан кочиб дарахтларга тирмашган мушуклар кўз ўнгимизда аник жонланиб, фожиани бўрттириб кўрсатади. Муаллиф чор боскинчилари хакида бир огиз ёмон гап айтиб, хакоратомуз, ножўя сўзлар ишлатиб ўтирмайди. Бу вазифани генерал ва аскарларнинг килмиши, хатти-харакатларининг ўзи яхши бажаради. Мустамлакачиларнинг ёвуз киёфасини, киргин ва ўлим уругини сепиб, юртни кандай конга ботиргани хакида яккол тасаввур беради. Ёзувчи очик айтмаган, аммо кўзда тутган боскинчи кўшинга нисбатан беадад нафрат хисси ўкувчи калбига беихтиёр кўчиб ўтади. Тарихчи олимларимиз ва хукмрон мафкура огиз кўпиртириб мактаган “ихтиёрий кўшилиш” кай тарзда амалга оширилганини хис этгач, бояги нафрат туйгуси икки хисса кучаяди. Энди унинг тиги мустамлакачилар билан бирга уларнинг содик югурдагига, химоячиларига айланиб, хакикатни яшириб келган маддох мафкура тўтикушларига хам каратилади. Боскинчи кўшиндан мехр-шафкат кутиб алданган бечора халойикнинг аччик кисматига каттик ачинамиз. Халкимизда “Тиз чўкиб яшагандан кўра тик туриб ўлган яхши!” деган макол бор. Юкоридагига ўхшаб хор-зорликда бехуда ўлгандан кўра мардона курашиб шахид бўлган афзал эмасми?..

Мен Ошоба кишлогида бўлган эмасман. У ердаги одамларни, Ватан мустакиллиги йўлида азиз жонларини аямаган фидойи кахрамонларнинг ворислари – набиралари, эвара,чевараларини хали кўрганим йўк. Аммо олис аждодларимизнинг эрксевар рухини, жасоратини багрига жойлай олган ошобаликлар Туркистондаги кахрамон кишлоклардан бирида тугилиб-ўсганликлари билан хар канча фахрланса арзийди деб биламан.

Тўгри, бу кишлокдаги жанг хал килувчи ахамиятга молик бўлган эмас. У дахшатли киргинларнинг кичик бир томчиси, холос. Аммо тог одамларининг жасорати, мардлиги, эрксеварлиги тахсинга сазовор. Улар хакида кўшиклар тўкилса, йирик асарлар ёзилса арзийди.

Биз рус халкидан тарихни кандай ардорклашни хам ўрганишимиз зарурга ўхшайди.

Улар мўгуллар устидан козонилган галаба шарафига Куликово майдонида улкан ёдгорликлар тиклаб кўйишган. Бородино жанги хотираси учун мухташам обидалар ўрнатишган. Севастопол мудофасини жонлантирувчи панорамалар барпо этишган. Бу жойлар кадамжога, зиёратгохга айланган.

Ўзбекистонда эса миллий гуруримизни юксалтирадиган бундай обидалар куриш, афсуски, хануз хеч кимнинг хаёлига хам келгани йўк. Бунинг ўрнига биз бутунлай бошка манзараларни кўрамиз. Азим Самарканд остонасида – Чўпонота тепаликларида чор боскинчи аскарларига кўйилган улкан обида хамон савлат тўкиб турибди. Неча бор гап-сўз бўлганига карамай, уни бузиб ташлайдиган марди-майдон негадир топилмаяпти. Мен бу ёдгорлик Ватан мустакиллиги йўлида курашиб халок бўлган инсонлар, улуг аждодларимиз хотирасини топташ, уларга нисбатан килинган жуда катта хурматсизлик деб биламан. Айни замонда ўлкамизнинг бирон-бир бурчагида – на Тошкентда, на Самарканд, на Кўкону Хевада боскинчиларга бўйин эгмасдан, тиз чўкиб яшашдан кўра мардона ўлимни афзал кўрган фидойи кахрамонлар хотирасига кўйилган бирон-бир ёдгорлик ёки оддийгина лавха борлигидан хабарим йўк. Нега биз уларни эсламаймиз, эъзозлаб, бошимизга кўтармаймиз?! Шу оддий инсоний бурчни, эзгу вазифани бажариш учун йиллаб бошка жойдан буйрук, фармон кутиб кўл ковуштириб яшашимиз керакми?!

Ватан озодлиги, Туркистон мустакиллиги йўлида курашиб халок бўлган фидойиларни юртимиз кахрамонлари сифатида улуглаш биз учун хам карз, хам фарз хисобланади. Хар бир кишлок ва шахарда уларга ёдгорликлар тикланиши, уларнинг порлок хотираси эъзозланиши шарт. Балки, бу эзгу ишни биринчи бўлиб ошобаликлар бошлаб беришар? Хар холда бу жасур тог кишлогида – кахрамон аждодлар яшаган мукаддас масканда Озодлик хайкали тикланишига ишонгим келади.

Рус боскинчи кўшинига карши мардона курашган ва таслим бўлмаган Ошоба кахрамонларининг жасорати тарих дарсликларида ёритилиши, ёш авлодни Ватан мустакиллигини, эркини баланд тутувчи мард, жасур, жанговар кишилар килиб тарбиялашда намуна сифатида олиниши зарур. Уларнинг юксак жасорати ана шундай ардокланишга хар жихатдан лойик.

Бугун жумхуриятимиз мустакилликка эришган кутлуг айёмда ошобалик шахидлар рухи олдида таъзим киламан. Уларнинг пок рухи Оллох мархаматига сазовор бўлсин. Омин!

Ортикбой Абдуллаев